

Ушбу низом 08 сентябр 2014 йилда «Universal sug'urta» AJ акциядорлар умумий йигилишида рус тилида тасдиқланган, узбек тилига рус тилидан таржима килинган.

«Universal sug'urta» AJ акциядорларининг 2014 йил
08 сентябрдаги навбатдан ташқари умумий
йигилишининг 4-сонли баённомасига илова

"Тасдиқланган"
«Universal sug'urta» AJ акциядорлар навбатдан
ташқари умумий йигилишининг раиси
Рахимова Р. В.

"Universal Sug'urta" AJ Кузатув кенгаши тўғрисида НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгаши макомини ва фаолиятини ташкил қилиш тартиби, унинг аъзоларини сайланиши ҳамда хар бир аъзонинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборат

1.2. Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини химоя қилиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрирда) ва «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyatining Устави асосида ишлаб чиқилган.

1.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу Қонун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Кузатув Кенгашининг ваколатига қўйидагилар киради:

- а) жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чақириш, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- в) акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- г) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- д) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- е) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига янги таҳрирдаги жамият уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритиш;
- ё) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- ж) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- з) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- и) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- й) аудиторлик текширувни ўтказиш, аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш

- к) жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
 - л) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
 - м) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
 - н) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
 - о) жамиятнинг шўйба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
 - п) йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - р) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;
 - с) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
 - т) аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
 - у) жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини ҳал қилиш;
 - ф) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
 - х) жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини танлов асосида сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - ц) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
 - ҷ) жамиятнинг йиллик ҳисботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқлаш;
 - ш) Кузатув Кенгашининг ваколатига тааллуқли қонун ва жамият Устави белгиланган бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 2.2. Жамият Кузатув Кенгашининг ваколатига кирувчи масалалар жамият ижроия органига утказилиши мумкин эмас.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ.

- 3.1. Жамият Кузатув Кенгashi аъзолари жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 3 кишидан иборат таркибда, бир йил муддатга сайланади.
- 3.2. Жамиятнинг кузатув кенгashi таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиси мумкин.
- 3.3. Жамият бош директори жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиси мумкин эмас.
- 3.4. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгashi аъзоси бўлиши мумкин эмас.
- 3.5. Жамиятнинг Кузатув кенгashi таркибига сайланган шахслар қуидаги талабларга мос келиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун хужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши.

- 3.6. Жамиятнинг кузатув кенгashi аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.
- 3.7. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиси лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.
- 3.8. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.
- 3.9. Кузатув Кенгashi сайланган аъзоси ваколатлари муддатдан олдин тугатиш акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ

4.1. Жамият кузатув кенгашининг раиси, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

4.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласди, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қиласди.

4.4. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

4.5. Жамият кузатув кенгашининг раиси Жамият номидан бош директор билан тузиладиган шартномаларни имзолайди агар жамият Кузатув кенгаш омонидан ушбу ваколатларни бошқа шахсга берилмаган булса.

V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташабусига кўра, жамият Кузатув кенгаш, тафтиш комиссияси, бош директор, акциядорлар ва Кузатув кенгашининг аъзолари талабига кўра чақирилади.

5.2. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси бир йилда тўрт маротабадан кам бўлмаган холда йиғилиши шарт. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

5.3. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгиланади, лекин жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

5.4. Жамият кузатув кенгаш аъзоларининг сони етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тутагитилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

5.5. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонучиликда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётгандан кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрирда) 18-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар жамият Кузатув Кенгаш томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.6. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

5.7. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаш мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда иштирок этадиган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришига қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари; қабул қилинган қарорлар.

5.8. Жамият кузатув кенгаши мажлиснинг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.9. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.10. Жамият кузатув кенгаши мажлиснинг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Кузатув Кенгаши аъзоси қўйидаги хукуқларга эга:

Кузатув Кенгаши йиғилишида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама қилинган масала юзасидан регламентда белгиланган муддатда сўзга чиқиш;

Кузатув Кенгашининг қарори билан акциядорлик жамиятининг маълум бир даврдаги фаолияти, унинг ривожланиш режалари тўғрисида маълумот олиш;

Кузатув Кенгашидаги иш учун харажатлар учун ҳақ ва (ёки) компенсация олиш (агар жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қарорида ҳақ тўлаш назарда тутилган бўлса).

6.2. Кузатув Кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзоси учун маҳсус Кузатув Кенгаши раиси томонидан амалга оширилади. Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзоси учун ҳақ миқдори Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан фаолиятнинг самарадорлигига қараб белгиланади.

6.3. Кузатув Кенгашининг аъзоси жамиятнинг аффилланган шахсидир.

6.4. Кузатув Кенгашининг аъзоси таклиф қилинаётган битим ҳақида батафсил маълумот, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети, тегишли битимнинг муҳим шартлари тугрисидаги маълумотлар билан ёзма хабарнома юбориш орқали жамиятни битимга мансублиги тугрисида хабардор қилиши шарт.

6.5. Кузатув Кенгаши аъзолари Кузатув Кенгаши томонидан муайян қарорлар қабул килинишига таъсир курсатганликлари учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш хукуқига эга эмаслар.

6.6. Кузатув Кенгаши аъзолари акциядорлик жамиятининг имкониятларидан (мулкий ёки номулкий хукуқлар, иқтисодий фаолият соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги маълумотлар) шахсий бойитиш учун фойдаланишига ҳақли эмас.

6.7. Кузатув Кенгаши аъзолари юклатилган вазифаларини вижданан, шунингдек акциядорлик жамияти манфаатлари учун энг яхши деб билган тарзда бажаришлари шарт.

VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

7.2. Кузатув Кенгаши аъзоларининг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар.

7.3. Айни пайтда жамиятга зарар келтиришга сабабчи бўлган қарорга овоз беришда қатнашмаган ёки бундай қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.4. Жамият ёки у жойлаштирган оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни даъво қилиб кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.